



ХАБАР


خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги наشري

Сотувда эркин нархда

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

1995 йил, 21 апрель № 16 (141)



Суратла: "Алкатель" фирмасининг техник-назоратчиси Олофф Тостен ва техник Шакар Мемет янги 36-АТСда алоқа жиҳозлари ишлашини назорат қилишмоқда. Сураткаш Тўлкин ЛУТФУЛЛАЕВ

ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Алоқа вазирлигининг Ҳайъат йиғилишида алоқа корхоналари раҳбарлар тайинлаш борасидаги шартномалар кўриб чиқилди.

Радиотелефон алоқасидан фойдаланиш корхонасига бошлиқ этиб М. Раҳматуллаев ҳамда "Ўзбектелеком" концерни раиси ўринбосари лавозимга Р. Юнусов тайинландилар. Шунингдек, Ҳайъат номзодлар ҳақидаги бир қатор таклиф ва маълумотларни кўшимча равишда тўлиқ ўрганиб, сўнгра раҳбарликка номзодлар борасидаги шартномаларни кўриб чиқишга қарор қилди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Копенгагенда иктымолй тараққиёт юзасидан ўтказилган олий мақомдаги жаҳон учрашувида иштирок этганиги муносабати билан БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Галий самимий миннатдорчилик мактуби йўллади.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси парламентнинг иккинчи сессиясини 1995 йил 5 май кунин Тошкент шаҳрида чақириб ҳақида қарор қилди. Сессия муҳокамасига сабабга масала киритилгани бўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Соғлом авлод учун" журналинини ташкил этиш" тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

• Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлашга бутун дунё ҳозирлик кўрмоқда. Ўзбекистон Республика-

си Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси ана шу таванга арасида 32 жилда "Хотира" китобларини босмадан чиқарди. Бу китобларда 1941-1945 йилларда урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчилар рўйхати берилган.

• Марказий Осиё халқларининг маънавий тараққиётга улкан ҳисса қўшган маърифатпарвар адиб ва жамоат арбоби Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг 120 йиллиги кенг нишонлангани бўлди.

• Хожа Бохоуддин Нақшбанднинг ҳаёт фаолияти ҳақида "Зиёбахш" деб номланган ҳужжатли фильм яратилди.

• Шахрисабзда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Бу анжуманга олимлар,

кенг жамоатчилик вакиллари таклиф қилинди.

• Жиззахда Тошкент Давлат доирлиқунининг 75 йиллик юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда илм-фан ва адабиёт намояндалари иштирок этди.

• БМТнинг Россия Федерациясидаги ваколатхонасининг хабар беришича, ҳар кун Чеченистондан яқин мингта яқин қочқ қўшни Доғистондан бошпана излашга мажбур бўлмоқда. Шу пайтга қадар Доғистонда 80 миңдан зиёд Чеченистон фуқароси рўйхатга олинган.

• ИРНА агентлигининг хабарига кўра, Эрон Ислам Республикаси парламентида форс тилида қўлланганидан хоржий сўз ва ата-маларини таъкиклав тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

• Канада Россиянинг Эронга ядроний реакторлар етказиб беришига манелик қилмаслигини билдирди.

• Шу йил кузда АҚШ ҳуқуқиди Америка-Россия қўшинларининг биргаликдаги машқлари ўтказилади.

РАҚАМЛИ ЭЛЕКТРОН АТС ИШГА ТУШДИ

Яқинда Германиянинг "Алкатель" фирмаси томонидан 5 миң рақамга мўлжалланган янги рақамли замонавий электрон 36-АТС ишга туширилди. Ўзбекистон ва Германия Республикалари ушбу ишни амалга ошириш учун ўзаро шартномага мувофиқ 500 миллион немис маркаси миқдорига маблаг ажратилганди. Тез фурсат ичида ишлар бошланиб, ниҳоят кўзланган мақсадга эришилди. Шаҳар марказидаги 32-АТСнинг дастлабки иккита рақами "36" га ўзгартирилди. Шаҳримиздаги телефон тармоқларидаги бундай ўзгариш ўта самарадор рақамли электрон тизимга ўтишни бошланишидир. Чунки дунёдаги жуда кўп мамлакатлардаги телекоммуникация тармоқлари ҳар томонлама қўлай имкониятларга эга бўлган ҳудди мана шу тизимда фаолият кўрсатади.

"Алкатель" мутахассислари жорий йилда пойтахтимизда 66 миң рақамга эга бўлган янги АТСни ишга тушириш ва 33, 35, 39, 44, 52-АТСлар жиҳозларини рақамли электрон АТСларга алмаштиришни мўлжаллашмоқда. Айни дамларда ушбу станцияларда зарур юмушлар амалга оширилипти. Шунингдек, "Алкатель" фирмаси Тошкентда станцияларро алоқа сифатини яхшилашга хизмат қилувчи 11 йўналишли радиореллеи станция ўрнатмоқда.

Жумҳуриятимизда немис ишбилармонларининг ўзаро ҳамкорликда олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. Буни яқинда ишга туширилган 36-АТС мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу кунларда тошкентлик миңглаб мижозлар ушбу АТСдаги рақамли электрон

техника хизматидан мамнун бўлишмоқда.

Бу янги станциядаги пайвандлаш ишларида шаҳар телефон тармоғининг бошлиқ ўринбосари В. Л. Тоғасев, бош муҳандис Ш. Одилов, муҳандислардан Е. П. Шевченко, Л. И. Куценко, З. Т. Валова, электромеханиклардан Т. Аъзамов, Ҳамза телефон тармоғи бошлиғи Ю. Гафуров, бош муҳандис Б. Холматов ва бошқа мутахассислар самарали меҳнат қилдилар. Ўз навбатида "Алкатель" фирмасининг мутахассислари ҳам бу борада ўз меҳнатларини аямай, астойдил иш олиб бордилар. Улардан лойиҳанинг техник раҳбари Карл Хайнц Бертрам, пайвандчилар бригадари Йорг Лефасс, пайвандчилардан Франс Шунак, Торофен Шенке ҳамда бошқа ходимлар унумли ишладилар. "Алкатель СЕЛ РФТ" фирмасининг Тошкентдаги бўлими раҳбари Питер Бюхнер объектдаги ишларни ҳар доим кузатиб борди.

Тошкентга расмий тарзда таширф буюрган Германия Федератив Республикасининг Федерал Президенти Роман Герцог бошчилигидаги делегация таркибиде "Алкатель СЕЛ РФТ" фирмаси Бошқармасининг Раисини Петер Ландсберг ҳам бор эди. У пойтахтимизда илк бора замонавий рақамли электрон 36-АТСни ишга тушириш маросимида қатнашди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири К. Р. Раҳимов билан учрашди. Маросимда Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасида улкан ишлар амалга оширилгани таъкидланиб, бу борадаги алоқаларни янада мустақамлаш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

А. КУДИНОВ

• Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдида

ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ ИНСОН ЭДИ...

У почтада ишлаганида эшагини миниб, хат-хабар, газета-журнал тарқатарди. Кейинчилик унга ҳукумат ногиронлигини ҳисобга олиб, "Запорожец" машинасини ҳадя этди, оғирни енгил бўлди. У қаерда ишламасин, ҳаминша виждонига ва эътиқодига содиқ қолди. Энди эса...

Ушанда Ражаббой эдиғина 16 ешга тўлган эди. Аммо соқола-мўйлови тоб бериб қолганлиги ешини улутворроқ қилиб кўрсатар, бунинг устига у нукул ўзидан катта йигитлар билан оғайни тутинар, кўрганлар ҳаммаси тенгдош экан-да деб ўйлашар эди. Айниқса, чакмон ва ноёб теридан тикилган попоғини кий-

ганда ҳеч ким уни еш ўсмир демас, худди қавказлик чавандоз йигитларга ўхшаб қоларди.

Отаси Тожибой ота, онаси Гулжон момо унинг кўзга ташланган қолганини кўришганда орқаворотдан "Ишқилиб, кўз тегмасин, бошинг тошдан бўлсин" деб, юзларига фотиха тортиб қўйишар, тўғининг ичига еки теллагининг кўринмас жойларига тумор қадлашни унуттимас эди.

У колхозда тиним билмай ишлаб, иккин-уч қошининг ишини қилаётган бўлса-да, одамлар унга: "Ҳа, урушга бормай нима қилиб юрибсан?" дейетгандай бўлаверарди.

[Давоми 2-бетда].

ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ ИНСОН ЭДИ...

(Боши 1-бетда).

42-йилнинг айна эида бир катор йигитларга чакрик қозони келди. Ражаббой ҳам уларни қуза-тиш бахонасида Қўшқўпир ҳарбий комиссариатига борди. Қўшқўпирда унда жузларли билан фронтга кетиш истаги туғилиб, ҳарбий комиссарга учради, ўзининг 18 ешга тўлганини, аммо ҳужжатда еши қичкина бўлиб қолганини, фронтга кетиш истагида эканлигини айтди. Унинг келбатини кўрган комиссар ҳам унга ишонди. Қўлига чакрик қозони тузқазиб, уч кундан сўнг вилоят ҳарбий комиссариатига боришини тайинлади. Шундай қилиб, Ражаббой 1942 йил 16 июлда ҳарбийга жунади.

1945 йили Львов шаҳри учун бўлган жанглар айнакша шафқатсиз бўлди. Қиш ойлари бошланиб, қор тинимсиз егаётганига қарамасдан юқоридан дегарли ҳар кунни ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ келиб турарди. Аскарлар тоғ голли келиб, олдинги марраларини эгаллашса, гоҳида орқага чекинишар, ҳар гал жангдан кейин майдонда ярадорлар ва ўлиқлар сочилиб қоларди.

Қиш-кйровли кунларнинг бирида Ражаббойлар заводига ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ келди. Завод учга бўлиниб, шаҳар ўртасидаги майдонни ва биноларни эгаллаш керак эди. Оқоллар бўйлаб анча илгариллаб боришганда бирдан ўқ ёмири остида қолишди. Фашистлар олдиндан, ен атрофдангина эмас, пастлаб учаетан самолётлардан ҳам отишар, бомба улуктиришар эди. Майдон ўрталаридан ўтиб улгурган ҳам эдики, Ражаббойнинг оғи тагида снаряд портлади. Чап оёнгга бирор учли найясини санчгандай, баданнинг кўп жойларига михлар қоқилгандай бўлиди тупроқ билан осмонга кўтариллиб, яна ерга яляйлаб тушди. Қанча етганини билмайди, кўзини очса, устига икки энлик қор эккан, гавдасининг ярими тупроқ остида, қолгани қор тагида, фақатгина ўнг елкаси ва бошини қор остидан кўриниб турарди. Атрофда зог ҳам кўринмасди. «Нахотки, шу кимсанис ерларда, туп-

роқ ва қор остида ўлиб кетсам?» Ражаббой ҳушига келгандан сўнг биринчи ўйлагани шу бўлди. У оғрик азобидан, совуқ забтидан инграб, бир неча соат етди. Ҳатто ҳушига келгандан афсусланди. Аммо узокдан бир қора ўзи етган томонга келаетганини кўриб, кўзи чарақлаб кетди.

— Хой оғайни?!

Ражаббой бор овоз билан унга қараб бақирди, ўтиб кетаетган киши бу ерда тирик одам овозини эшитаман деб ўйламаган бўлса керак, чўчиб тушиб, отининг бошини бошқа екка буриб, кета бошлади.

— Тўхта, отаман! — деб бақирди Ражаббой жон қолтада. Шундагина ҳалиги одам ҳушер тортиб, от жоловини тортиди. Ченасидан тушиб, у томонга бир-икки қадам босди-ю:

— Нахотки тирик бўлсанг, — деб ажабланди.

— Тирикман, фақат ўрнидан туролмайман, ердан бер, — деди Ражаббой.

Арава эгаси уни бир амаллаб тупроқ остидан чиқариб олди-ю ченгага ортиб, майдон бўйлаб отига қамчи босди.

Госпиталда дўхтирлар унинг бир неча жойига ўқ текканини, чап оёгининг суяқларигача майдаланиб кетганини, бу оёкни кесмаса бўлмаслигини айтишди. Аммо у бу гапга рози бўлмади. Жароҳлардан бири келиб, агар шу бутун оёкни кесинмаса, унинг касри бутун гавдага тегиб, қорасон бошланиши мумкинлигини тўшунтирди.

Шу тарика Қўшқўпирнинг Хосиен қишлоғидан урушга соппа-соғ кетган Ражаббой бир оёгини Украинага ташлаб, қўлтиктаекда юртига қайтиб келди.

Уйдагилар, қариндош-уруғлари унинг қўлтиктаекда бўлса-да, омон қайтанидан хурсанд эдилар.

Шу тарика яна унинг қишлоқдаги сокин ҳаёти бошланди. Энди у аввалгидай кўчага чиқиб, тенгдошлари билан шўхлик қилолмас, унча-мунча тўймақаларга ҳам юрак ютиб бора олмас эди.

Вақт ҳамма нарсанинг давоси деганлари рост

экан, аста-секин оёғи йўқлигига ҳам кўникиб қолди, уйда ўтириб, этикдўзлик қила бошлади. Аммо ешликдаек шаклланган ўзига хос феъл-атвори, чўрткесарлиги, бир сўзлиги, камбағалларарлиги сақланиб қолди. У кўп жойларда хизмат қилди, йўл бригадири бўлди, тафтишчиларга бошлиқ этиб тайинланди, бир оз муддат магазинда ҳам ишлади. Айнакша, шалқининг талаби билан Нури азиз бобо қабристонига мутасаддилик қилиб турганида ободчилик ишларини ўрнига қўйди, мазористонни ҳас-хашакдан тозалашда, атрофини девор билан ўрашда камарбаста бўлди.

Бекпошша Ҳайитова билан аҳд-паймон қилиб, турмуш қуришти. Вафодор аели уни оқ юниб, оқ тарари, бир-бирдан ширин тўрт ўғил, беш киз туғиб, ўқсик қалбига малҳам бағишлади. Ражаббой оғанинг қишлоқдагина эмас, Қўшқўпир туманида ҳам ўзига яраша обрўси бор эди. Элининг ўти билан қириб, кули билан чикар, тўйда ҳам, азада ҳам тик турар эди.

Ражаббой ога ўғил-қизларини ҳам ҳалол, этиқодли қилиб тарбиялади. Уғилларидан бири оддий тракторчи, бири алоқа бўлими ходими, яна бири уста, тўртинчиси Хоразм вилоти алоқа бўлимида назоратчи-тафтишчи бўлиб ишлайди. Қизлари ҳам тагли-тахтли жойларга келиб бўлиб тушиб, бир-бирдан ширин фарзандлар ўстиришмоқда. Уғил-қизларидан ўттиздан ортик невараси ва чевараси бор.

МУАЛЛИФДАН: Ушбу лавҳа-очеркни ёза бошлаганимда Ражаббой ога бир оз тоби қочган бўлсалар ҳам, ҳали тетиқ эдилар. Рўза ойи олдин, жойномсиз ёнида жони узилди. Жойлари жаннатда бўлсин. У кишининг оила аъзоларидан кўнгли сўраш учун борар эканман, қўлимда у ҳақда ёзилган ушбу мақола ҳам бор эди. Шу пайт севимли шовримиз Абдулла Ориповнинг: "Во дарир мана шу сатрларини ҳам, ёзсам бўлмасмики Сиз тирик чоғда", деган сўзлари хаёлимдан ўтди. Ҳа, бир-биримизни тирик пайтда эъзолашга ўрганишимиз лозим.

Ботир **НОРБОЙ,**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЯХШИ КАЙФИЯТ — СИФАТ ГАРОВИ

Собир Рахимов туманидаги телефон алоқаси тармоқларида мижозлардан келаетган шикоят ва хатлар ўз пайтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинмоқда. Шунингдек, ходимларнинг меҳнатларини қадрлаш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

— Тармоғимизда II та АТС бўлиб, 500 га яқин қасаба уюшмаси аъзолари бор, — дейди тармоқ қасаба уюшмасининг раиси Сайфулдин Ёқубов. — Ишчи-хизматчиларга керакли шароит яратиш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилаёtmиз. Ҳамма жойда бўлганидек, бизнинг қасаба уюшмаиизда ҳам ходимларнинг меҳнатларини тақдирлаш учун алоҳида гуруҳимиз бор. Улар энг фаол, илгор хизматчиларни аниқлаб, рўйхатларини бизга тақдим этишади. Биз илгорларни пул муқофотлари, еки эсдалик совгалари билан тақдирлаб турамыз. Ўзингизга маълум кишининг бошида ҳар хил кунлар бўлиб туради. Кимдир киз узатади, яна бошқаси ўғал уйлайди. Биз шундай ходимларга ердан пули еки хизмат қилиш учун автобус ажратиб берамыз. Ҳаммага тенг ва одилона муносабатда бўламыз. Менимча, ҳамма жойларда шундай қилиниши лозим, ишчи-хизматчилар тез-тез моддий ва маънавий рағбатлантирилиб турилиши керак. Бундан ташқари, уларнинг шароитлари, яшаш тарзлари билан қасаба уюшмалари яқиндан танишиб чиқишлари лозим.

Агар ходимлар кўнгилдагидек турмуш кечиришса, кайфиятлари яхши бўлса, ишлари ҳаммаша сифатли бўлади деб ўйлайман.

Акжал **ДАВРОНОВ**



Шахарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси кабель қурилмаларини доимо ишчан ҳолатда сақлаб, узок муддат хизмат қилиши учун астойиди меҳнат қилишмоқда.
Суратда: Бирлашма муҳандислари Г. Ф. Шавинская, Л. И. Чернова ва бўлим бошлиғи К. А. Божков.
Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ҒАЙРАТЛИ ХАБАРЧИ

Абдуғани Турдиевнинг Ғузор туманидаги Яргучи қишлоғида иш бошлаганига олти йил бўлди. Заҳматли меҳнати, касбини ардоқлаши туфайли қишлоқдошлари уни беҳад ҳурмат қиладилар. Абдуғани улар билан вақтини қизганмай сўхбатлашади. Қизик-қизиқ ҳангомалар айтиб, сўхбатдошининг кўнглини овлаш пайида бўлади. Шунданми уйда ҳам, касбдошларининг орасида ҳам ўз ўрни, ўз ҳурмати бор.

Туманда яшовчи 420 нафар Ватан уруши қатнашчилари, ва меҳнат нафақадорлари ҳам унинг ишидан мамнундирлар. Почта-чининг иши осонга ўхшайди, лекин яхшилаб ўйлаб кўриладиган бўлса, ундай эмас. Чунки хабарчи на езни, на қишни билади. Ҳар кун иш. Ҳатто дам олиш кунни ҳам йўқ. Қўлига хат-хабар тушди-ми, дарров эгасига етказиб бериш пайида бўлади. Абдуғани ҳам шундай. Бундай пайтларда у Қорасув еки Жонбулоқ қишлоғига қараб юради. Еш, ғайратли хабарчи ўз ишпани пухта қилади. Қўлидаги жўнатмаларни уйма-уй юриб, эгаларига тарқатиб чиқади.

— Бошқа қасбада ишломасам керак, — дейди Абдуғани кулиб.
— Чунки бу иш менга нафақат одамлар билан танишишимда, балки олам билан сирлашимда ҳам катта ердан беради. Аввал-

лари хонадонма-хонадон юришга, хат-хабар, рўзнамалар тарқатишга тортинар эдим. Вақт ўтиши билан кўникиб кетдим. Энди ўша кунларни эсласам кулгим келади. Ахир одамларнинг ҳожатини чиқаришдан қўсакроқ бахт борми?

Ҳа, Абдуғани ана шундай йигит. Ҳаётда ўзидан кўра кўпроқ бошқаларни ўйлайди. Фақат менга бўлсин, яқин қариндошларимга бўлсин деган гаплардан йироқроқ юради. Бировнинг юмушини бажарса, оғирини енгил қилса, боши тоғдек кўтарилари. Ўзини енгил ҳис қилади. Раҳбарлар ҳам унинг бу хислатларидан бохабар. Эҳтимол, Абдуғани раҳбарларнинг, элининг назарига тушганлиги учунми, тез-тез совға ва фахрий ерликлар билан тақдирланиб туради. Сурати ҳурмат тахтасидан тушмайди.

Шу ўринда Абдуғанига омад, ишларига ривож тилагимиз келади.

Абдуғани! Доимо эл-юрт ишига ана шундай камарбаста бўлинг. Барака топасиз.

Э. ХОЛМАТОВ,
Қашқадарё вилоти

Хинд халқининг донишмандлик китоби — “Калила ва Димна”да асл дўстлик ҳақида бундай дейилди: “Бу дуненинг одамлари бир-бирига маҳрам (яқин) бўлишни истасалар, дўстлик йўлида азиз жонларини ҳам аямайдилар. Лекин бу дунёда шундай одамлар ҳам борки, улар фақат ўз вазиятларини яхшиламоқ, қўлга бир нарса киритмоқ, яхши кун кечирмоқ учун дўст бўладилар. Бундай одамлар мол-давлатнинг дўстларидир. Улар қўшларни тўйдирish учун эмас, тузоққа тушириш учун дон сепадиган овчига ўхшайдилар. Дўсти учун жон фидо қиладиган одамларнинг кадр-қиммати молини фидо этадиган одамнинг кадрдан жуда ва жуда юксак туради.”

Ҳаётда кўпинча химматсиз, пасткаш одамларнинг дўстона давралари узоқ давом этадиганга ўхшаб кўринади. Аммо бу янглиш тасаввурдир. Гаразгүй одамлар дўстларидан манфаат-фойда бўлмайдиган дароҳ дўстликка чек қўядилар. Булар қандай тез дўстлашган бўлсалар, шунчалик тез бегоналашиб кетадилар. Асл дўст дўсти амал-мансабидан тушиб, елгизланиб қолганида ҳам ўз дўстини тарк этмайди.

“Калила ва Димна”да дўстлик ҳақида яна бундай ҳикматлар бор: “Тўғри ва софил одамлар дарров дўстлашиб оладилар, уларнинг дўстлиги узоққа ўзилади. Фитначи одамлар эса тез дўстлаша олмайдилар, уларнинг муносабатлари тез бузилади. Яхши ва олжано одамлар бир саотлик кўришув ва бир кўнлик танишув муддатида дўстинг кўнглини овлайдилар (яъни хурсанд қиладилар)”. Яна: “Донишмандлар айтибдуларки, бир неча нарса дунёда узоқ муддат қола олмайди: булут-

нинг сояси, ёмон одамнинг дўстлиги, сууюкёк аёлларнинг ишқи, елгон мактов, мол-дуненинг кўплиги, девона (жини)нинг лутф-карами, ешларнинг гўзаллиги”. Инсоф-диенатли, софдил, камтарин инсонларнинг дўстлиги эса боқий қолиб, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахтсодат келтиради.

Дўстингга бирор нарсени ўргатмоқчи бўлсанг эҳтиёткорлик ва самимият билан ўргат. (Баъзи дўстлар ўргатганини ҳадеб

фикрларнинг баъзиларига қўшилмаслигимиз мумкин. Чунончи, дўстларнинг ҳамма маслаҳатларини ҳам сўзсиз бажариш тўғри эмас, нотўғри фикр айтиб қолса, уни тузатиш зарур.

Иккинчидан, дўстинг баъзи гапларидан аччиқлашига тўғри келади. Дўст эҳтиёт гапирар, душман кудлириб дегандай, унинг нуқсонларини яширмай, юзига айтган маъқул. Учинчидан, дўстинг хуш-фёъллиги ҳар доим ҳам унинг

шонлашга еки едлашга эътибор беринг. Одамларга очиқ чехра, қувонч ва завъ билан муомала қилинг.

2. Агар одамлар сизни кўрганда қувонганин истасангиз, сиз ҳам танишларингизни қувониб қаршиланг. Бахтиёр яшашни истасангиз, хаёлингизга келган ҳамма фикрини ҳаммага лақиллаб гапирманг, ўз фикрларингизни ўзингиз назорат қилиб борсангиз, (беъмани еки саёз фикрлар) оғзингиздан чиқмайди.

3. Дўстларингиз ва уларнинг оила аъзолари исмларини (улар ҳар қанча кўп, ҳатто 50 мингга бўлса ҳам) эсдан чиқарманг. Дўстларингиздан қим нимани яхши билишини, уларнинг одат ва қилиқларини, сие-сатда қимларга хайрихоҳлигини билиб олинг. Уртаҳол одамлар ҳам минглаб одамлар орасида ўз номини ҳамма ҳурмат қилишини истайди. Агар сиз бирорта дўстингизнинг номини унутсангиз, уларда ёмон таассурот қолдирасиз, еки ишингиз юришмай қолади.

Агар барча одамлар билан яхши муомала қилсангиз, тез орада фойда юки кетишингиз мумкин.

4. Агар хоҳласангиз яхши одам бўлишингиз қийин эмас. Одамларнинг ҳар бири ўзига бошқалар эътибор беришини истайди. Одамлар сизга дардини еки қувончини айтса, диққат билан тинланг, сўзини бўлманг. Ҳикоясининг қизиқиб эшитинг. Унинг билимлари кўпчилигидан хайратланг, мактаб қўйинг, яна учрашиб туришни исташингизни айтинг.

Агар шу яхши маслаҳатларга амал қилинса, ҳаётингизда яхши садақотли, азиз дўстлар топишингиз мумкин.

Маҳкам Андижоний

Дўстлашувда Ҳикмат Бор

миннат қиладилар — М. М.)

Унинг айбини кечир.

Унинг елкасига ҳадеб ўз юкингни орт-

ма.

Дўстинг қувонса сен ҳам қувон, кайгурса-қайгур.

Дўстингга хамиша соғлиқ тилагинг.

Дўстингни хурмат қилаётганингни ҳад-

дан зиёд кўрсатишга уринма.

Дўстинг гапирётганда гапини бўлма.

Ўзингга нимани раво кўрсанг, дўстингга ҳам шунини раво кўр.

Жамоат жойларида доимо дўстингни олдинга ўтказ ва тўрдан жой бер.

Керак бўлганда дўстингни ҳимоя қил.

Дўстингни душманлари билан дўстлашма, дўстлари билан душманлашма.

Дўстлиқни кадрла, эҳтиёт қил.

Бу ҳикматли фикрларга амал қилган одам яхши, чин дўст бўла олади. Тўғри, бу

ҳаққўйлигини билдирмайди. Одатда мансабдор, хушомадгўй, мунофиқларнинг мулоймлиги билан чин хушфёъллигини фарқлаш зарур.

Америка олми Дэйл Карнеги (1888 — 1955) яхши дўстларни қандай топиш мумкинлигини тушунтириб, одамларга хуш келишини қуйидаги қоида-си баён этади:

1. Агар одамлар сизга эътибор билан, қизиқиб қарашларини истасангиз, ўзингиз ҳам одамларга эътибор бериб, қизиқинг. Сизнинг гап, сўз, ҳикояларингизни одамлар жиддий тинглашини истасангиз, сиз ҳам уларнинг гаплари ва ҳикояларини қизиқиб тинланг. Агар яхши дўстларингиз кўп бўлишини истасангиз, кўпроқ одамларга яхшилик қилинг уларнинг ишларига бегараз, чин кўнгилдан, вақтингизни ва кучингизни кизганмасдан ердамлашинг. Дўстларингиз учун муҳим воқеаларни ни-

• Ажаб дунё

Аиллар... Йўқ бўлиши мумкин

Дунёдаги кўпгина тилларнинг йўқ бўлиб кетиш хавфи бор. Гарбий Германиянинг Геттинген шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган “Немец тилшунослик жамияти” конференцияси ана шу ташвишли ҳолга эътиборни қаратди. Анжуманда ГФР ва бошқа давлатлардан келган беш юзга яқин олим катнашди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ҳозир ер юзиде мавжуд бўлган олти минг тил ва лаҳжанинг 90 фоизи яқин юз йил ичида йўқ бўлиб кетиши мумкин экан.

Бундай эҳти қарғат Америкадаги хиндулар еки Австралиядаги ери аҳоли тилигагина эмас, балки немис тилининг кўпгина лаҳжалари ҳам тааллуқлидир.

Бунинг сабаби ҳозирги замон кишисининг ҳаёт тарзи ўзгарганлиги туфайли камеб маданият соҳибларига мансуб кекса ва ёш авлод ўртасидаги тил алоқасининг йўқолганлигидагина эмас, айни чоғда кўпгина давлатларнинг камсонли миллатларга нисбатан олиб бораётган каттиққўл сие-сатида ҳамдир.

БЕЛ БАҚУВВАТ БЎЛСА...

Асаблар зўриқаётган тезкор асрда кўпгина кишилар эрқаклик иқтидорини сақлаб қолиш пайига тушиб қолди. Дорихоналар бу борада кўпгина малҳам ва воситаларни тавсия қилишмоқда. Дўхтирлар бу нарсаларнинг нафи катта деб ҳисоблашмоқда. Аммо бутунлай зиенсиз малҳам бўлмайди. Бир томондан фойда қиладигани иккинчи жиҳатдан зиен келтиради. Шунинг учун ҳам кўпчилик эрқаклар табиий муолажани афзал кўришмоқда.

Шотландияда чиқадиган “Скотсмен” газетаси яқинда шу ҳақда езиб чиқди. Дональд Мак-Лири деган 32 ёшли киши ҳар кунини бир стакандан грек ёнгогининг мағзини тановуwl қиларкан. Албатта, бирданига эмас, оз-оздан, илик сут билан ер экан. Баданни жунбушга келтирадиган бундай муолажа бир ой давом этади. Натиже ёмон эмас.

Дональд Мак-Лири етти фарзанднинг отаси.



ТАБИАТ СЕҲРИ

ЯНГИ

ЛАТИФАЛАР

Иккинчи раунддан сўнг боксчи секундантдан сўради:

— Мени галаба қозонади деб ўйлайсанми?

— Албатта! Сен бундан кейин ҳам қўларингни шунча жон-жаҳдинг билан силкитаверсанг, рақибинг ахирини шамоллаб қолиб, таслим бўлади.

Бемор дўхтирдан сўради:

— Ўтган йили бод касалига йўлиқиб, сизга учрашган эдим. Ушанда намликдан сақланганим лозимлигини айтганингиз.

— Ҳа-ҳа, эсладим. Ҳўш, энди нима безовта қилаяпти?

— Энди ванида чўмилсам бўлаверадими, деб сўрамоқчи эдим.

— Сиз узун-қун стилингизда ухладан бўшамасиз! — дея бошлиқ ходимга тибх берди.

— Қани, хузуримга кириңгиз!

— Кечирасиз, хўжайин, мен сизнинг стилингизда ухлай олмайман.

— Одамнинг бир омади қочса ёмон бўларкан. Қўшнинг далаховлисини ўғри уриб кетди, уйда ёнгин чиқди. Шунча фалокат етмангдек, хотини ҳам кетиб қолди. Бундан баттар кўргулик бўлиши мумкинми?

— Мумкин, агар хотини қайтиб келса...

Машҳур ёзувчига қўшниси ҳавас қилиб, деди:

— Қанидир мен ҳам Нобель мукофотини олсам...

— Унда ёзинг! — маслаҳат берди ёзувчи.

— Яхши, аммо кимга ёзай?

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош мухаррир: Шодмон ОТАБЕК
ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирзўлат МИРЗО

Рустам СОБИТ (Бош мухаррир ўринбосари)
Тоҳир РАҲИМОВ
Екубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривоий АҲМЕДОВ
Билал АМИНОВ

Сайдмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлкин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-33, А. Толстой кўчаси, 1. **ТЕЛЕФОНИМИЗ:** 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. **ИНДЕКС:** 64600 **ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Мухарририятга келган қўлезмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулиятини муаллифлар эъмласнадуыр.
Рўйхатга олш №000011. Буюртма №8-0175 . 11905 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босялди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБ'АА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

З А Н Г О Р И Э К Р А Н Д А

ДУШАНБА, 24

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кум соат". Кўнукча ва эски шиппак. Мультифильмлар.
18.30 "Хазинамиз таянчи".
18.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси диторчилар ансамблининг концерти.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Армони дуне". Усмон Носир.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. "Тараққиёт кон томири".
21.50 "От кишнаган оқшом". Йўлдош Охунбобоев номидagi Еш томошабиллар театрининг спектакли. Телепремиера.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кумутичок".
19.00 "Излаган имкон топлади".
19.30 "Хаммаклар" видеоканали:
— "Озма-юз".
— "Ок кутина".
— "Менинг маҳаллам".
21.00—21.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Темирўлчи" — "Нефчи".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарuselь".
18.55 Халқаро ташлов совриндори Татьяна Абякяй куилайди.

"ОМАД" таништиради:

19.55 "Совга".
20.25 "4/8". Мусикий кўрсатуви.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Ўзлонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Ўзлонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "Яна об-ҳаво ҳақида".
23.55 "Постфактум".
00.05—00.25 Жаҳон янгликклари ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Тигиз пайт".
18.10 "Аляска КИД". Телесериал. 2-серия — "Тиркилайин кўмилганлар".
19.05 "Эркак ва аёл".
19.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
21.00 "Сен-Роман иши". Телесериал. 4-серия.
21.55—22.55 "Матбуот клуби".

СЕШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.00— 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонти дам олиш кўрсатуви.
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Қилич ва қалқон". Бадний фильм. 1-серия — "Ихтиёр ўзимда эмас".
9.20 "Аброн рубоби оханглари". Фильм-концерт.
9.50 "Кафолат".
10.20 Немис тили.
10.50—12.50 "Умидлар йили". Видеоканал.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Табиа алфобси".
18.40 "Суяч".
19.00 Лирик концерт.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Нақшлар бустони".
20.10 "Тарқакур елқинлари".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Ватанин семвоқ иймондандир".
22.30 "Кино, кино, кино".
23.20—23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультифильм".
19.00 "Хусусийлаштириш: қаддам-бақаддам".
19.20 "Теле-ателье-шоу".
19.30 Хайвонот дунесининг сирлари.
20.20 "Эм-Ти-Ви" оханглари ва Ўзлонлар.
20.45 Янгликлар.
20.50 Видеогад.
21.10 "Эм-Ти-Ви" оханглари ва Ўзлонлар.

21.50 "Кинонигоҳ".
23.30 — 23.50 Жаҳон янгликклари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарuselь".
18.55 "Уорлднет" телекомпанияси янгликклари.
19.15 "Дурларини" телекомпаниясининг кўрсатуви.
20.15 "Спорт-тайм".
20.55 "Манбалар".
21.35 "Би-Би-Си" янгликклари.
21.45 "Нон таъми".
22.05—22.45 Эстрада калейдоскопи.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 "Телетонг".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 "Тигиз пайт".
18.15 "Аляска КИД". Телесериал. 3-серия — "Қизлар-гулхани".
19.05 "Мазув".
19.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 "Илк манбадан".
20.55 "Серафима Глюкинанинг иш ва байрам кунлари". Телевизион бадний фильм. 1-серия (Свердловск киностудияси, 1988 й).
22.05 "Талқинлар".
22.20—23.35 "Серафима Глюкинанинг иш ва байрам кунлари". 2-серия.

ЧОРШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонти дам олиш кўрсатуви.
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Қилич ва қалқон". Бадний фильм. 2-серия — "Яшаш шарт".
9.40 "Ондарл мактаби".
10.10 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Беназир санъаткор".
10.30 — 12.30 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Койиммаком Тоша". Мультифильм.
18.15 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
18.35 "Спорт хабарномаси".
18.45 "Дил номалари". Мусикий кўрсатуви.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Элим деб, юртим деб ениб яшаш керак".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Мозийга бир назар".
22.00 "Алпомиш авлодлари". Миллий кураш бўйича Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир якунига доир.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Қалбимда куеш порласин".
19.10 "Дарвоқе".
19.30 "Жонли тил".
20.30 "Хаммаслар".
21.00 "Саломат бўлинг!".
21.30 — 23.10 "Кинематограф".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарuselь".
18.55 "Ешлик". "Тул ва ...".
19.35 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм.
"ОМАД" таништиради:
20.25 — 23.25 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 "Телетонг".

18.00 "Тигиз пайт".
18.20 "Аляска КИД". Телесериал. 4-серия — "Сеги муъжизаси".
19.15 "Телеедномалар". Роберт Рождественский.
19.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 — 22.00 "Славянкинг хайрлашуви". Бадний фильм (Свердловск кино-студияси, 1985 й.).

ПАЙШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонти дам олиш кўрсатуви.
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Қилич ва қалқон". Бадний фильм. 3-серия — "Шикоятта ўрин йўқ".
9.15 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Ботир Зокиров". Фильм-концерт.
9.55 "Буни ҳамма билиши керак".

10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 "Қашф этилаётган имкониятлар".
11.30 Хор куллардан концерт.
12.00 — 12.20 "Хукукингишни биласизми?".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бир сиким тупроқ".
18.45 Мусикий дақиқалар.
18.55 "Ислохот ва масъулия".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Мен буюк журт ўғлидурман".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Вақт — ҳакам".
22.00 "Умр девони". Шокирхон Хакийми.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Қўнғи".
18.40 "Жозоба".
19.00 "Бир шингил хангома".
19.10 "Муҳаббатта ошно қалблар".
19.30 "Теле-ателье-шоу".
19.40 Видео янгликклари.
20.05 Янгликклари.
20.10 "Эм-Ти-Ви" оханглари ва Ўзлонлар.
20.55 "Кинонигоҳ".
22.35 — 22.55 Жаҳон янгликклари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарuselь".
18.55 "Айчурек" (киргиз тилида).
19.35 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм.
20.25 "Уорлднет" телекомпанияси янгликклари.
20.45 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Қуддусдан хатлар".
21.15 "Булроқлар кўз оңанда".
21.45 — 22.45 "Дурларини" телекомпаниясининг кўрсатуви.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 "Телетонг".
17.50 "Тигиз пайт".
18.10 Баскетбол. Россия чемпионати. Эркаклар. Финал. "Динамо" (Москва) — МАСК.
18.55 "Аляска КИД". Телесериал. 5-серия — "Скво-Крикни забт этиш".
19.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 Сибирь Давлат академик рус халқ хорининг концерти.

21.05 — 21.45 "Галаба солдатлари". Телемарафон.

ЖУМА, 28

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонти дам олиш кўрсатуви.
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Қилич ва қалқон". Бадний фильм. 4-серия — "Сўнгги марра".
9.10 Немис тили.
9.40 "Қишлоқ стадионлари".
10.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Салокат".
10.45 "Қитоб ва ҳаёт".
11.20 "Дустиқ қўшқилари".
11.50 "Яшил бойлигимиз".
12.20—12.50 "Баҳор севиңчлари". Адабий композиция.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Фаранд — умид юлдузи".
18.35 "Унутимас сатрлар". Беҳбудий.
19.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Шеринг дақиқалари".
20.10 "Жараен".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.

21.30 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Хотира хотира".
22.00 "Ўзбекистон композиторлари". Муғтавоқил Бурхонп.
23.00—23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Катта театр ҳақида кичик ҳикоя".
18.50 "Утишимиз келажак йўқ".
19.20 "Баҳор манзаралари".
19.30 "Бу бустон аро...".
20.20 "Самарлаи изланишлар".
20.30—21.45 "У замонлар ўтиб кет-

ди". Бадний фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мультикарuselь".

18.55 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.
19.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм.
"ОМАД" таништиради:
20.20 "Панорама".
20.50 "Компьютер-Осие".
21.20 Ўзлонлар.
21.25 "Даракчи".
21.35 Ўзлонлар.
21.40 — 23.20 Видео — "О".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 "Телетонг".

17.50 "Бомонд".
18.10 "Аляска КИД". Телесериал. 6-серия — "КИД иши буйича суд жараени".
19.00 "Мўъжизалар майдони".
19.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 — 21.35 "Сен-Роман иши". Телесериал. 5-серия.

ШАНБА, 29

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонти дам олиш кўрсатуви.
8.00 Болалар учун фильм. "Сехри саргулаш".
9.10 "Яшил чирок".
10.10 "Апгана ва замон".
10.40 Баҳор тароналари.
11.10 "Едингиздами?". Кинодастур.
11.50 — 13.20 "Маънавият" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
18.45 Спорт хабарномаси.
19.00 "Юзма-юз".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Турфа хангомалар".
20.30 "Ўзбекистон янгликклари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Разоқова куйлади.
22.30 "Ўзбекистон янгликклари" (инглиз тилида).
22.40 "Тунги елду". Дам олиш кинодастур.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультифильм".
9.30 "Хусусийлаштириш: қаддам-бақаддам".
9.50 "Теле-ателье-шоу".
10.00 "Хайвонот дунесининг сирлари".
10.50 "Эм-Ти-Ви" оханглари ва Ўзлонлар.
11.15 Янгликлар.
11.20 Видеогад.
11.40 "Эм-Ти-Ви" оханглари ва Ўзлонлар.
12.20 "Кинонигоҳ".
14.00 "Жаҳон янгликклари" ("Эй-Би-Си").
14.20 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табасум".
19.10 "Алгеина".
19.30 "Акс-садо".
20.00 "Менинг кўчам".
20.15 "Хонадонингиз осойишта бўлсин!".
21.15 "Хар соҳадан бир шингил".
21.35 "Тулме". Хабарлар.
21.50 "Гладиаторлар". Спорт-шоу дастур.
22.35 "Кинематограф".
00.15—00.20 Хотима.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарuselь".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Колумб кашф этган дийр". Сан-Франциско.
20.10 "Учрашув".
20.40 "Биздан обод ва овоз Ватан қолсин".
21.20 "Замандас".
22.20 "Си-Эн-Эн" янгликклари.
22.30 — 22.40 "Бу ажиб дунё".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 "Брейн-ринг".
18.20 "Шартномадиз таваккал". Бадний фильм (Россия, 1992 й.).
19.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 "Зоднак белгиси остида". Эпиграммалар кечаси.
21.35—22.30 "Сен-Роман иши". Теле-сериал. 6-серия.

ЯКШАНБА, 30

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонти дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Бирни кам дунё". Муқимий номидagi Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли. Тоир Юнусов асари. Алишер Расулдов мусикаси. Телепремиера.
9.30 "Шохрух" клуби.
10.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Ватанимга хизмат қиламан". Кўрсатув ва концерт.
11.00 "Аралаш". Ҳажрий киножурнал.
11.20 "Янглик тадбирлари".
11.35 Кинолаҳрият почтасидан.
12.20 — 13.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. "Еттига етти". Телевизион ўйни.
18.35 "Кино ва болалар".
19.05 "Ойна жаҳонда".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Хафтаном" (рус тилида).
20.00 Ўзлонлар.
20.05 Телетасвиричи нигоҳида. "Шаҳарлар ва одамлар".
20.20 Дам олиш концерти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Хафтаном".
21.30 Ўзлонлар.
21.35 "Девона", Бадний фильм (Хиндистон). 1—2-сериалар.
00.15 — 00.45 "Хафтаном".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Қўнғил".
10.15 "Жозоба".
10.40 "Бир шингил хангома".
10.40 "Муҳаббатта ошно қалблар".
11.00 "Теле-ателье-шоу".
11.10 Видео янгликклари.
11.35 "Яшил бойлигимиз" оханглари ва Ўзлонлар.
11.40 "Эм-Ти-Ви" оханглари ва Ўзлонлар.
14.05 — 14.25 Жаҳон янгликклари ("Эй-Би-Си").

17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусикий дастур.
17.50 "Панорама".
18.20 Жаҳон географияси.
19.10 Жаҳон янгликклари ("Эй-Би-Си").
19.30 Ўзлонлар.
19.35 Видео — "О".
21.25 Ўзлонлар.
21.20 "Курьер".
21.40 "Яна об-ҳаво ҳақида".
21.50 "Постфактум".
22.00 "Компьютер-Осие".
22.30 "Акто-клуб".
22.50 Ўзлонлар.
22.55 "Даракчи".
23.05 Ўзлонлар.
23.10 — 00.50 Видео — "О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультифильм.
9.40 "Жонли сайера".
10.00 "Коллекция".
10.20 "Менинг кўчам".
10.35 "Жентилмен-шоу".
10.50 "Кинематограф".
12.30 — 12.40 "Ўзбекистон янгликклари" (инглиз тилида).

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.05 Хорижнинг биринчи элчилари.
19.50 "Мусикий саяхат".
20.25 "Дурларини" телекомпаниясининг кўрсатуви.
21.25 "Хамкорлик — тараққиёт нишончаси".
22.00 "Ешлик" студияси. "Элез".
22.30 "Би-Би-Си" янгликклари.
22.40 "Бу ажиб дунё".
23.00 — 23.10 "Си-Эн-Эн" янгликклари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 "Эҳ, йўллар, фронт йўллари...".
18.30 "Би-Би-Си".
18.40 "Қўшиқ-95". "Евровидение" таловининг саралаш тури.
19.20 Луи де Фонес "Сен-Тропеақик жанглар" бадний фильмида.
21.00 — 21.45 "Якшабба".

"Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" теледастуридан олинди.